

## СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИДА ИЛК ЎҚУВ КУРСИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 январдаги “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мамлакатимизда судьялар тайёрлаш тизимини тубдан янгилашда яна бир муҳим қадам бўлди. Қарорга биноан юртимизда илк бор судьяликка номзодларни тайёрлаш, судьялар ва суд аппарати ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун масъул бўлган давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси - Судьялар олий мактаби ташкил этилди.



Ушбу мактабнинг асосий вазифаси этиб, назарий билим, амалий тажриба, касбий кўникма ҳамда вақтни бошқара оладиган судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, улар малакасини оширишнинг ягона тизимини ташкил этиш белгиланди. Судьялар олий мактабида судьялар ва суд аппарати ходимларини ўқитишнинг янгича усули яъни, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланган ҳолда асослантилган қарорлар қабул қилиш кўникмаларини ривожлантирадиган инерфаол ўқитиш усуллари таълим жараёнига жорий этиш лозимлиги белгилаб берилди.

2019 йил 10 январдан бошлаб грант асосида судьялик лавозимларига номзодларни таёрлаш курсларида бир йиллик магистратура таълим дастури бўйича амалга ошириладиган судьялик лавозимларини эгаллаш учун юқори малакали кадрларни ўқитиш, давомийлиги икки ой бўлган раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада бўлган судьяларни қайта тайёрлаш, шунингдек давомийлиги икки ҳафтадан кам бўлмаган, судьялар ва судлар аппарати ходимлари малакасини ошириш жорий этилди.

2019 йил 15 апрель куни Судьялар олий мактабида илк бор мамлакатимиздаги маъмурий суд судьяларининг икки ҳафталик ўқув курси бошланди. Ушбу курс тингловчилари соҳада катта иш тажрибасига эга бўлган судьялар ва бошқа малакали мутахассислардан дарс олади. Икки ҳафталик

Ўқув курсининг дарс жадвалига “Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг “Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари” тўғрисидаги 19.05.2018 йилдаги №15-сонли Қарори мазмун-моҳияти ва унда белгиланган қоидалар”, “Маъмурий суд ишларини юритишда ҳалқаро ва хорижий давлатлар тажрибаси”, “Бошқарув. (Менежмент психологияси) Бошқарувни тўғри ташкил этиш. Шахсий ва касбий ривожлантириш механизмлари”, “Конфликтология. Низоларнинг келиб чиқиши, иш жараёнида низоларни ҳал қилишнинг самарали усуллари”, “Одид судловга тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларга оид суд амалиёти. (муаммо ва ечимлар)” каби муҳим мавзуларда машғулотлар киритилган.

Бундан ташқари, ўқув курси давомида алоҳида ёндашув асосида судьялар фаолиятида муҳим аҳамият касб этадиган йўналишлар яъни, “Мулоқот психологияси, ишчанлик мулоқоти, музокаралар олиб бориш, ахборот билан ишлаш психотехнологияси”, “Тайм-менеджмент.

Вақтни бошқариш, иш жараёнини тўғри ва самарали ташкил этиш”, Йўқолган суд ишини юритишни тиклашнинг умумий қоидалари, қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш бўйича суд амалиёти. (муаммо ва ечимлар)” бўйича амалий машғулотлар ўтилади.

2017 йил 1 июндан бошлаб алоҳида суд сифатида маъмурий судлар ташкил этилди. Ушбу судларга фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар тааллуқлидир.

Биринчилардан бўлиб маъмурий суд судьяларини ўқитишни бошлашдан кўзланган асосий мақсад, бугунги кунда айнан маъмурий судларда маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ҳамда оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўриш амалиётида бир қатор муаммолар бор. Шунинг учун, Судьялар олий мактабида илк бор Маъмурий судларнинг судьялари учун 2 ҳафталик ўқув курси бошланди. Демак, ўқув курси давомида суд амалиётида юзага келаётган мана шу муаммоларни баратараф этиш юзасидан тажрибали судьялар ва юксак малакали мутахассислар тингловчиларга сабоқ беришади.

2 ҳафталик ўқув курси биринчи куни дарс жадвалининг сўнггида, тингловчилар Судьялар олий мактаби раҳбарияти билан очик мулоқот ўтказишди.



**Бобоназаров Акмал, Касби туман  
маъмурий суди раиси:**

*Бугун ўқув курсининг биринчи куни якунланди. Менда дарс жадвалига қўйилган ўқув машғулотлари жуда катта таассурот қолдирди. Ҳақиқатдан ҳам, бугун маъмурий суд амалиётида маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ҳамда оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўриши амалиётида баъзи бир муаммолар бор. Масалан, муайян яшаши жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириши тўғрисида ёки маъмурий органларнинг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариши органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиши тўғрисидаги ишларни кўриши ишларни кўриши бўйича суд амалиётида муаммолар бор. Биз ўзимиз дуч келаётган мана шу муаммоларни тўғри ҳал қилиши бўйича, ўқитувчиларга турли саволлар бераямиз. Бугун Олий суд судьялари ҳам айтиши шу масала бўйича фикр-мулоҳазалар алмашдик. Бу эртага ижобий натижа беради.*

*Ўқув машғулотлари якунида Судьялар олий мактабидиректорияси билан бугунги ўтказилган дарс машғулотлари бўйича очиқ мулоқот ўтказдик. Раҳбарият биздан, дарс машғулотларига киритилган мавзулар, дарсларнинг ўтилиши усуллари қай даражада маъқул ёки маъқул эмаслиги тўғрисида саволлар беришди. Буни жуда тўғри деб ҳисоблайман. Сабаби, бугун биз фикрларимизни айтсак, эртага уни янада такомиллаштириши имконияти бўлади. Энг муҳими, ўқув курси самара бериши учун дарс машғулотлари бўйича биз ўзимизнинг фикрларимизни очиқ айтишимиз лозим.*



**Жалолоiddин ҲУСЕНОВ,  
Наманган шаҳар маъмурий суди раиси:**

*Мен Судьялар олий мактаби ташкил этилиб, унинг биринчи тингловчиларидан бўлганимдан жуда фахрланаман. Албатта Судьялар олий мактаби бежиз ташкил этилгани йўқ. Бундан кўзланган мақсад, мамлакатимизда судьялар корпусини тайёрлашнинг ягона тизимини ташкил этиши, юриспруденция, хусусан, судьялар касбий этикаси, психологияси, унинг қарор қабул қилишида оқилона йўл тута билиши учун қодир бўлган етук судьяларни тайёрлашдир. Икки ҳафталик ўқув курсида, бугунги кунда судьялар учун энг керакли бўлган ишга оид мулоқот, вақтни бошқариши, музокоралар олиб бориши, ахборотлар билан ишлаши*

технологиялари, ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш ва қўллашга доир назарий ва амалий кўникмаларни шакллантириши юзасидан устозлар сабоқ бермоқда. Судья мустақил фикрловчи, қатъиятли, жасур ва ҳалол, ўзи қабул қилган қарор учун тўла жавоб бера оладиган шахс бўлиши шарт. Ўқув курсида ўтилатган машғулотлар айнан шунга қаратилган.

Дарс жадвалидаги "Маъмурий суднинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарорини қайта кўриши бўйича иш юритиши. Кассация ва назорат инстанциялар судида иш юритиши амалиёти", "Нотарисм ҳаракатни амалга ошириши, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзишни рўйхатга олиши рад этилганлиги ёки нотариуснинг ёхуд фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиши органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиши тўғрисидаги ишларни кўриши бўйича суд амалиёти" мавзулари менга жуда маъқул бўлди. Ушбу мавзулар фақат назарий томондан эмас, балки амалиёт билан уйғун ҳолда олиб борилаётганлиги ижобий самара беради. Бу мавзуларни катта ҳаётий ва иш тажрибасига эга бўлган судьялар ўтмоқда. Улар бу мавзулар бўйича амалиётдаги муаммоларни ҳам жуда яхши билишади.



### **Нурали Қурбанов, Судьялар олий мактаби ўқитувчиси:**

Дастлабки, 2 ҳафталик ўқув курси бошланиши Судьялар олий мактаби ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, ўқув машғулотларимизни имкон қадар амалиёт билан боғлашимиз керак экан. Мен кеча дарсга кирганимда тингловчилар томонидан берилган аксарият саволлар амалиётдаги муаммолар билан боғлиқ. Уларнинг ечимибўйича ўқиётган судьяларимизга амалий ечим топиш чораларини кўришимиз керак. Тингловчилар ҳаммаси амалдаги судьялар, яъни амалиётчилар. Уларга сабоқ бериши учун ўқитувчидан жуда катта тайёргарлик талаб этилади. Шунинг учун, ўқув машғулотида алоҳида тайёргарлик билан киришимиз шарт. Судьялар олий мактаби раҳбарияти томонидан шу йўлга қўйилаяптики, тингловчи аноним тарзда ўқитувчига баҳо беради. Бу биз ўқитувчиларга жуда катта масъулият юклайди.

Олий мактабда ўқитишни замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида ташкил этиши, судьялар ва суд аппарати ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишида вебинар ўқитиши усусидан самарали фойдаланиши, интерфаол ўқитиши услубларини таълим жараёнига кенг жорий этиши мақсадида ўндан ортиқ халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар таълим муассасаларининг ваколатхоналари билан илмий-амалий, ўқув-услубий, ахборот алмашинув, моддий-техник соҳаларда ҳамкорлик йўлга қўйилмоқди. Айни пайтда Россия,

*Қозғоғистон, Канада, АҚШ, Шотландия, Словения, Украина, Грузия ва бошқа давлатларнинг судьялар тайёрлашга масъул муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш тадбирлари кўрилмоқда.*

Судьялар олий мактабида ҳар бир йўналиш яъни, жиной, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий суд йўналиши бўйича, шунингдек судьянинг касбий этика, психология, ишчанлик мулоқоти ва вақтни бошқариш кўникмалари, музокаралар олиб бориш тактикаси, ахборот билан ишлаш технологияси, ҳуқуқ нормаларига шарҳ бириш ва қўллашни ривожлантириш мақсадида касбий кўникмалар шакллантириш мақсадида алоҳида касбий кўникмалар кафедраси ташкил этилган.

Масалан, судьяларга ўқув курси сифатида ҳар бир судья учун одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ касбий фаолиятида ва хизматдан ташқари вақтда мажбурий бўлган, юксак одоб-ахлоқ талабларига, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари қоидаларига, одил судлов ва судьялар одоб-ахлоқи соҳасидаги халқаро стандартларга асосланган ҳуқ-атвор қоидаларини шакллантириш мақсадида судьянинг касбий этикасидан дарслар қўйилган.

Ҳар бир фан бўйича дарсларда ўқитишнинг янгича инновацион методларидан фойдаланиб профессор-ўқитувчилар томонидан мавзуга оид тарқатма материаллар ҳамда амалиётдан мисоллар келтирган ҳолда ўқитишнинг интерфаол усуллари қўлланилади. Судьяларни ўқитишнинг ушбу янгича усули келажакда одил судловни амалга ошириш мақсадида Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, “Судьянинг онгида-адолат, тилида-ҳақиқат, дилида-поклик ҳуқмрон бўлиши лозим” шиорига асосланиб фикрлайдиган ва ишлайдиган судьялар корпуси шаклланади.

Давлат раҳбари томонидан Судьялар олий мактаби олдида мамлакатимизда судьялар корпусини тайёрлашнинг ягона тизимини ташкил этиш, юриспруденция, касбий этика, психология, ишга оид мулоқат, вақтни бошқариш, музокаралар олиб бориш, ахборотлар билан ишлаш технологиялари, ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш ва қўллашга доир назарий ва амалий кўникмаларга эга, мустақил фикрловчи, қатъиятли, жасур ва ҳалол судья ва суд ходимларини тайёрлаш вазифаси қўйилди.

Шу мақсадда Олий мактабда қисқа даврда ўқитишнинг замонавий шакл ва услубларини қўллаш кўникмаларига, амалий тажрибасига эга бўлган профессор-ўқитувчилар таркиби шакллантирилди. Профессор-ўқитувчилар таркиби шакллантирилишида асосий эътибор уларнинг айнан суд тизимида иш тажрибаси ва малакасига эга эканлигига қаратилиб, амалдаги судьялар ва суд тизимида ўз меҳнат фаолиятини олиб борган ходимлар орасидан танлаб олинди. Дарс машғулотларига меҳнатга ҳақ тўлашнинг соатбай шартлари асосида жалб қилинадиган мутахассислар ҳам айнан суд, адвокатура, прокуратура органлари тизимида фаолият олиб бораётган малакали мутахассислардан бўлишига эътибор қаратилади.

**Арслон ЭШМУРОДОВ, журналист**